ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 10

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
TerDU

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 10

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.10.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)*
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.10.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.10.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

JO‘RAYEVA BIBISH MUXSINOVNA,
TO‘XTAYEVA DILAFRUZ ASHUROVNA
Intensivlik va darajalanish munosabati 7

ТОЖИЕВ ОЛИМЖОН МУЙДИНОВИЧ
Ўзбек тилида равиш/сифат типидаги лексемаларда мазмуний синкретизм 12

UMURQULOV ZAFAR BEKPO‘LATOVICH
Til – hissiyotlar ifodalash vositasi 16

MARDIYEV BEGALI XUDOYQUL O‘G‘LI
Shaxs nomlarining lug‘aviy qatlamdagi o‘rni va tavsifiy belgilari 21

QODIROVA MUKADDAS TOG‘AYEVNA
Ingliz tili biznes diskursida dunyoning paremiologik manzarasi.....24

JO‘RAYEVA NASIBAXON GANIYEVNA
Tarixiy romanlar diskursida so‘zlarning
o‘zaro ma’no munosabatlari 29

RO‘ZIMATOVA DILNOZA MURODOVNA
Ijtimoiy maqomning sotsiolingvistik talqini 32

ZAYNUTDINOVA GULNOZA ANVARJON QIZI
Presedent birliklar va turg‘un birikmalarning
badiiy matndagi poetik ahamiyati (Shuhrat Orif ijodi misolida).....37

VASLIDDINOVA KAMOLA QODIRJON QIZI
Korpus platformalarining til tadqiqotidagi amaliy ahamiyati.....42

НАРМУРОДОВА ДИЛФУЗА АБДУХОЛИК КИЗИ
Типологические и генетические характеристики
терминосистемы civil engineering/строительство 46

YADIGAROVA SITORA BAXRAMOVNA
Phraseological units with clothing components in english language.....49

МУНДАРИЖА

ADABIYOTSHUNOSLIK

BOLTAYEVA GULCHEHRA SHOKIROVNA
Muxammaslarda ijtimoiy muammolar tasviri.....51

СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА
Қазіргі қазақ-қарақалпақ прозасындағы әдеби байланыстар.....54

АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ
Убайдий рубоийнавис шоир.....57

ГАСЫМОВА СЕВИНДЖ АШУР КЫЗЫ
Традиции праздника новруз в Азербайджане.....60

NADIM MUHAMMAD HUMAYUN
Alisher Navoiying «Hayratul-abror» dostoniga ishlangan «Hammomdagi uchrashuv» miniatyurasiga sharh va Navoiy qurdirgan ba'zi inshootlar.....66

JUMAYEV ILHOM HAMROYEVICH
O'zg'urmish – komil zohid timsoli.....71

КЕНЖЕБАЕВА РОЗА САЙЛАУОВНА
Фариза оңғарсынова және қарақалпақ Ақын-жазушылары арасындағы достық әдеби байланыс.....78

ALIYEVA ORZIGUL
Abdulla Oripov va Shavkat Rahmonning olam hamda insonga munosabatidagi o'ziga xoslik.....81

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ЎЗБЕК ТИЛИДА РАВИШ/СИФАТ ТИПИДАГИ ЛЕКСЕМАЛАРДА МАЗМУНИЙ СИНКРЕТИЗМ

Тожиев Олимжон Муйдинович,
Андижон давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Туркий тилларда сўз туркумларининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритилганда, сўз туркумларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳсталаб, мунозарали фикрларга дуч келинади. Шундай бўлса-да, бу ҳақда озми – кўпми илмий изланишлар мавжуд. Илмий тадқиқотларда туркий тилларнинг морфологик системаси кузатилганда, равиш сўз туркумининг мустақил сўз туркуми сифатидаги мунозарали фикрлар мавжудлигига дуч келинади. Гап шундаки, равиш сўз туркумининг туркий тиллар тарихида мустақил сўз туркуми сифатида аллоҳида ўрганилмаганлиги, мустақил сўз сифатида мавжудлиги ҳақидаги қарама-қарши қарашлар ҳозирги кунга қадар ҳам давом этмоқда. Кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, равиш сўз туркумини ўрганиш муаммолигича қолмоқда. Туркий тилларда бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумига ўтиши мураккаб масалалар сирасига киради. Бу бир қатор турколог олимларнинг илмий тадқиқотларида акс этган. Н.А.Баскаков, Э.В.Севортян, А.К.Боровков, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, И.А.Андреев, Э.Р.Тенешев, Е.В.Гулыча, А.М.Щербак, Д.А.Салимова ва бошқаларнинг ишларида турли даражада ёритилган. Туркий тилларда равишлар морфологик жиҳатдан тўла ва аниқ шаклланмаган сўз туркумларидан бири саналади.[1]

Туркий тиллар, хусусан, татар тилида равиш сўз туркумини ўрганиш жараёнида татар тилшунослари равиш сўз туркумини тарихан мустақил сўз бўлмаганлигини таъкидлайдилар. Бундай қараш К.С.Аскаков, К.Насыри, Г.Ибрагимовнинг тадқиқотларида ҳам учрайди. Г.Ибрагимов томонидан ёзилган "Татар сарфы" грамматикасида, муаллиф татар тилидаги равиш сўз туркумини сифат деб қарайди. Муаллифнинг фикрича, сифат ва равиш бир сўз туркумидир.[2] Бундай қараш бошқа туркий тиллар: ўзбек, озарбайжон тилшуносларининг тадқиқодларида ҳам учрайди. Жумладан, Э.Фозилов ва А.Дж.Шукюровларнинг қайд этишича, уларнинг кўпи бошқа сўз туркумларининг семантик -грамматик жиҳатдан ўзгариб равишга кўчишидан ҳосил бўлган.[3] Шунинг учун бўлса керак, З.А.Алексеев сарт тилида (ўзбек тилида – А. М) туб равишлар йўқ, дейди.[4] Бироқ ўзбек тили тарихининг зукко билимдони Алибек Рустамов муҳаррирлигида нашр этилган "XV асрлар ўзбек тили морфологияси" тадқиқотида равиш бўлимини ёзган Қаюм Каримов шундай ёзади: "Равиш тилнинг асосий грамматик ва лексик категорияларидан бири сифатида қадимдан амалда бўлган. Умумий хусусиятларига кўра бошқа туркумларга мансуб сўзлар билан ўхшаш бўлган равишнинг ўзигагина хос хусусиятлар ҳам мавжуд."[5] Ёдномалардаги равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларни, ҳолат ва белгининг белгисини билдиришда қўлланади. Равиш категориясига кирган сўзларнинг кўпчилигида равишдош ва келишиклар аффиксини кўриш мумкин. Бу сўзлар тарихан от ва феъл категорияларига кирган бўлиб, равишдош, келишик аффикслари билан бирикиб аста-секин равишлашиб кетган.[6]

Етук тилшунос С.Муталлибов қадимги туркий тиллар морфологияси ва лексикаси тарихига оид изланишларида шундай ёзади: "Қадимги давр тилидаги равиш категориясини дастлаб иккига айриш мумкин. 1.Илгарилардан тилда равиш функциясида қўлланиб келган туб равишлар. 2.Илгаридан равиш функциясида қўлланмай, сўнг бирор

[1] Севортян Э. В. Проблеме частей речи в тюркских языках,в кн: "Вопросы грамматического строя". – М., 1955. – С. 221.

[2] Ибрагимов Г. Татар сарфы /Ф. С. Сафуллина, Б. Э. Хакимов (ТОЗ). – Казань: КДУ, 2003. – С. 118.

[3] Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси; Шукюров. А. Дж. Первообразные наречия в азарбайджанском языке / Тюркологический сборник» (к шестесятилетию А. А. Кононова). – М: Наука, 1966. – С. 137-145.

[4] Иқтибос: Матғозиев А. Х1Х аср ўзбек тилининг морфологияси. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 160; Алексеев З. А. Самоучитель. – С. 44.

[5] ХУ -Х1Х асрлар ўзбек тили морфологияси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 158.

[6] Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 131.

усул билан ясалган ясама равишлар. Ясама равишлар тилдаги тушунча ва янги формалар юзага келишига хизмат қилиши билан у давр тилида алоҳида ўрин тутган. Қадимги ёдгорликлар материали устидаги кузатишларимиз айрим равишлар феъл олдида ва бошқа сўз олдида келиши мумкин эканидан дарак беради. Масалан, *ўғуш нанг* (кўп нарса); *ўғуш йилқи* (кўп йилқи) ибораларида *ўғуш* сўзи исмлар олдида қўлланган бўлса, "*тирик эсан бўлса тонг ўғуш кўрар"* мақолида *ўғуш* сўзи феъл олдида келган."[1]

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туркий тиллар тарихида равишлар мустақил сўз туркуми сифатида энг ёш, энг кенжаси бўлиб, қадимги туркий тил даврида бошқа гуруҳдаги сўзлар ҳисобига, алоҳида сўз гуруҳи сифатида эндигина шаклланаётган эди. Яъни феълнинг равишдош шакли ва келишик қўшимчаларини олган отларнинг айримлари равиш туркумига ўта бошлади. Бу ҳол, ўз навбатида, равишларнинг бошқа гуруҳдаги сўзлар билан алоқасини, муносабатини белгилайди.[2] Н.А.Баскаков томонидан айтилган туркий тилларда равиш "...яқин ўтмишда от ва сифатлардан кам фарқланган, нисбатан янги туркум"[3] эканлиги умумий қабул қилинган бўлса-да, у ўзига хос фикрни ифодалаш воситалардан бири сифатида бу тилларда анча эрта ривожланиш босқичи мавжуд эди. Бунга қадимги туркий тил ёзув ёдгорликлари манба бўлиб хизмат қилади ва равиш ҳақидаги турли қарашларга ойдинлик киритувчи материал бўла олади.

Сифат ўз маъно ва функциясига кўра равишга яқин туради. Сифат ҳам, равиш ҳам белги билдириши жиҳатидан бир хил функцияни бажаради. Бундай яқинлик бу икки туркумга оид сўзларнинг ҳали мустақил туркум сифатида дифференциялашувига қадар бир функцияда ишлатилганлиги, бир умумий манба заминида шаклланганлиги ва ривожланганлиги натижасидир. Туркий тиллар тараққиётининг аввалги босқичида ҳам бир қатор туб ва ясама сўзларнинг сифат ва равиш вазифасида ишлатилиши, функциядошлиги ҳам уларнинг бир уммумий манба асосида шаклланганлигидан далолат беради.[4]

Кейинги йилларда В.Н.Хисамова, Э.А.Сайдашева, Ч.М.Харисова, Г.Р.Шакирова, Н.Б.Никофорова, Л.Б.Кишиткова ва С.Аманжолов ва бошқаларнинг ишларида равиш сўз туркумининг тавсифига қайта мурожаат қилинди. Айниқса, Д.Г.Тумашева, Ф.М.Хосимова, Ч.М.Харисова, Г.Р.Шакирова равиш сўз туркумига тарихан мустақил сўз туркуми сифатида қарадилар. Уларнинг фикрича, татар тилида равиш сўз туркуми сўз туркуми сифатида аввалдан шаклланган. Бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқотларда от ва сифат, сифат ва равиш сўз туркумларининг ўзаро кесишуви ҳақидаги тортишувлар ҳозирга қадар давомли эканини кўрсатмоқда. Равиш сўз туркумини бир томондан сифат, бошқа томондан от сўз туркумининг айрим шаклларидан, шунингдек, ёрдамчи сўз туркумлари ва феълнинг равишдош шаклидан марфологик фарқлаш қийин. Бундай ҳолда равиш сўз туркумининг мустақил сўз туркуми сифатида шаклланиши ҳақида сўз юритиш мунозарали эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга равиш сўз туркумидаги бундай хусусият унинг тил бирлиги ёки нутқий бирлик сифатида билиб олишда қийинчилик туғдиради. Туркий тилларда равишнинг бошқа сўз туркумлари билан кесишув нуқтаси турли ном (от, сифат, сон, олмош) ва феълни ифода этади. Унинг бошқа сўз туркумлари билан гибридлашуви, лексемаларнинг адвербиаллашувида юз беради. Тува тили тадқиқотчиси Даржа Урана бошқа туркий тилларида бўлганидек, тува тилида ҳам равиш сўз туркумининг тарихий тараққиётига тўхталиб шундай дейди: "Ҳозирда тува тилида равиш анча кенг, ўзгармас, мустақил сўз туркуми бўлиб, у ўзининг семантик, мофологик ва синтактик хусусиятлари билан яққол ажралиб турадиган сўз туркуми ҳисобланади. Бу белгилар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, равишнинг мустақил сўз туркумига мансублигини белгилайди. У ёки бу сўзда равиш белгилари бирида кўпроқ, иккинчисида камроқ даражада ифодаланиши мумкин, лекин фақат учта белги биргаликда олинган ҳолдагина равиш сўз туркумини ифодалайди".[5]

А. Матғозиев шундай ёзади: "Лекин айрим ясовчи аффикслари ҳамда семантик-синтактик хусусиятларини ҳисобга олиб, туркий тилларда ҳам равишларни алоҳида лексик -грамматик категория сифатида ажратиш мумкин бўлади. Ўзбек тили тарихининг турли этапларини кўздан кечирар эканмиз, равиш категориясининг аста-секин ривожланиб борганлигини, шу категорияга кирувчи сўзлар миқдорининг тобора кўпайиб борганли-

[1] Муталлибов С.М.Марфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 51.

[2] Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

[3] Баскаков Н.А. Двойственная природа частей речи (на материале тюркских языков) // Вопросы теории частей на материале языков различных типов. Тезисы докладов. – Л., 1965. – С. 17-19.

[4] X111-X1V асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. Морфология. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 84.

[5] Даржа Урана. Наречие в тувинском языке: Автореф. дис. уч. степен. кан. филол. наук. – Кызыл.2006.http://www.dslib.net>nareshie –v –tuvinskom jazuke

гини кўрамиз”.[1] Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, равиш сўз туркуми туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам мустақил сўз туркуми бўлганлиги мунозарали бўлиб қолмоқда. Чунки равиш сўз туркумида от, сифат, сон, олмош, феъл ва ёрдамчи сўз туркумлари билан синкретик муносабатининг тарихан мавжудлигидир. Шунинг учун ҳам равиш сўз туркумининг мустақиллиги ҳозирда ҳам туркий тилларда мунозарали бўлиб, турли қарашларга сабаб бўлмоқда. Кўринадики, равиш сўз туркумининг этимологияси табиатдан мураккаб бўлиб, ҳозирга қадар ҳам туркологлар ўртасида баҳсли категория сифатида қолмоқда. Албатта, бу сўз туркумини турли грамматик категориялар билан кесишуви ҳам равиш сўз туркумининг ўзига хос мураккаб табиатидан дарак беради. Гап шундаки, равиш сўз туркуми функционал-омоним парадигма аъзоси, функционал-семантик майдон аъзоси сифатида ҳам ўзига хос мураккаб табиатга эга бўлган категория ҳисобланади. Н.К.Дмитриев ва С.Аманжолов илмий тадқиқотларида равиш сўз туркумининг алоҳида мустақил маъно ифодалаши ва тўлиқ мустақил сўз туркуми ҳақидаги янги далилар топилганини тасдиқлашди. Уларининг фикрларига кўра, синтактик жараёнда ҳар қандай сўз туркуми бирлашади, фақат равиш сўз туркуми маъно ифодалашига кўра ўзгармайди.[2]

Айрим туркий тилларда равиш сўз туркуми мустақил сўз туркуми сифатида нафақат тил тизимида ўз мавқеига эга бўлган ва ўз ўрнини мустаҳкамлаган, ўзига хос хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб чиққан. Лексик-семантик гуруҳлари кенгайиб, грамматик вазифа бажариш жиҳатидан бошқа мустақил сўз туркумлари билан тенглашган.

Ўзбек тилида ҳам равиш сўз туркуми баъзи сўз туркумлари билан фарқланмаслиги қайд этилади. Гап шундаки, бошқа туркий тиллар қатори нутқий жараёнда лексемаларнинг биридан иккинчисига ўтиш жараёнини бошдан кечирганлиги ҳисобланади. Ўзбек тилида бу равишга ўтиш жараёни от, сифат, сон, олмош, феъл лексемаларида акс этади. От, сифат, сон, олмош ва феъл шаклларининг кесишуви равиш таркибининг сезиларли даражада кенгайишига таъсир этади. Равиш сўз туркумининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, генетик жиҳатдан от ва сифат категориялари билан боғлиқлигидир. Бу боғлиқлик равиш сўз туркумининг шартли деревация усулида намоён бўлиши билан изоҳланади. Бундай боғланиш равишнинг от ва сифат категорияларининг тарихан бир илдиздан юзага келганилигини англатади. Агар равиш сўз туркумини тарихий нуқтаи назардан ўрганилса, от ва сифат мотивацияси синхрон сўз ясалишига бориб туташади. Тарихан равиш сўз туркумидаги серунум модел сўз ясалиши ҳисобланади. Бу усул от, сифат ва бошқа сўз туркумларидан равиш ясаш учун хизмат қилади. Албатта, равишнинг сифат сўз туркуми билан боғлиқлиги аслий равишларда, синхрон сўз ясалишида намоён бўлади. Диахрон жараён эса равиш сўз туркумидаги ҳолат маъносини ифодаловчи равишлар билан боғланади. Феъл сўз туркумидан равиш ясалиши бошқа сўз туркумларига нисбатан камроқ ҳисобланади. Анлашиладики, равиш сўз туркумининг от ва сифат сўз туркумлари билан структур-семантик жиҳатдан боғланиши бошқа сўз туркумларига нисбатан кучлидир. Равиш лексемаси билан сифат лексемаларининг ўзаро тарихан бирлиги *яхши, ёмон, бой, камбағал* сингари лексемалар исон ва предметнинг белги хусусиятини ифодалаганлигида намоён бўлади. Ҳозирги ўзбек илмий манбаларида ҳам равиш ҳақида шундай фикрлар мавжуд: “Равиш мустақил маъноли ўзгармас сўз. У белги, миқдор ёки ҳолатни, ўрин, пайт маъносини ифодалайди ва бу жиҳатдан от, сифат, сонга яқин туради. Ундан фарқли жиҳати шундаки, сўз ўзгартирувчи, шакл ясовчи қўшимча бирика олмайди”.[3]

Туркий тилларда от, сифат, равишнинг бир-бирига ўтиши бир қатор туркологларнинг Э.М.Севортян, Н.К.Дмитриев, Н.А.Баскаковларнинг ишларида заиф фарқланувчи деб изоҳланган. Дарҳақиқат, нутқдаги бундай ҳолат от, сифат ва равиш ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш семантик тамойилга кўра очилади. Яъни ҳар иккаласида ҳам белги асосий маъно ифодаловчи ҳисобланади. Грамматик тамойилга кўра эса улар нутқнинг ўзгармас бўлаклари ҳисобланади. Равишнинг асосий морфологик белгиси унинг ўзгармаслигидир, яъни равиш бирор сўз билан боғланиб бирикма ҳосил қилганда, ўз формасини ўзгартирмайди, ҳеч қандай сўз ўзгартирувчи аффикс олмайди.[4] Шунинг учун, бу сўз туркумининг бошқа сўз туркумлари орасидаги ўхаш ва фарқловчи белгиларни очиб берувчи белгиларга эътибор қаратамиз.

1) Лексик-семантик тамойилга кўра: ҳам сифат, ҳам равиш белгисига эга бўлган *тез юр, ёзги кун, кўп уйқу* ва бошқ;

[1] Матғозиев А. Х1Х аср ўзбек тилининг морфологияси. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 160.

[2] Аманжолов С.Қазақ тілінің грамматикасы. – Алматы: Қазақ мамлекеттік баспасы,1939. – Б. 102; Дмитрев Н.К. Строй турецкого языка .- М,:Изд-во АН СССР, 1939. – С. 237.

[3] Замонавий ўзбек тили. Морфология.1 жилд. – Toshkent: Mumtoz so’z, 2008. – B. 422.

[4] Ўзбек тили грамматикаси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 528.

2) морфологик тамойилга кўра: *тез-тезроқ, яхши-яхшироқ, мард-мардларча*;

3)синтактик тамойилга кўра: отлар, кўп ҳолларда сифатлар боғланиб гапда аниқловчи вазифасида келади. Феъл билан боғланганда гапда ҳолат мъносини ифодаловчи вазифасида келади. Кўп ҳолларда ҳаракатнинг белгисини ифодалаб, феъл иштирок этган гапларда вазиятни ҳам билдиради.

Ҳозирги ўзбек тилидаги равишларнинг маълум қисмини бошқа туркумдан равишга кўчган сўзлар ташкил этади. Равишлашган сўзлар зарурият туғилиши натижасида вақтинча равиш вазифасини бажариб келган бўлиб, аслида улар бошқа туркумга мансуб бўлган сўзлардир. Равишлашган сўзлар ҳали ўз туркумига хос лексик-грамматик хусусиятларини йўқотган эмас, уларда равишга хос лексик ўзгаришни кўрмаймиз.[1] Демак, юқоридаги ҳолатлар асосида равиш сўз туркумини от, сифат сўз туркумларининг ўхшаш ва фарқловчи хусусиятларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Гап шундаки, икки ҳолатда лексик-семантик ва морфологик хусусиятларида равиш /от/ сифат/ нинг фарқловчи белгиларидан англаш қийин. Айниқса, бу синтактик вазиятларида янада яққол намоён бўлади. Қиёслайлик: *Сокин тун эди. Тун сокин эди. Бугун тун сокин ўтди*. Биринчи жумлада *сокин* лексемаси от билан ўзаро боғланиш ҳолатида аниқловчи вазиятида, иккинчи жумлада *тун* ва *сокин* лексемаларининг ўзаро алоқа муносабатида *сокин* лексемаси кесим/предикат/ вазиятида, учинчи жумлада *сокин* лексемаси феълга боғланиб ҳолатни ифодалаб ҳол вазиятида келмоқда. Гап шундаки, *сокин* лексемаси илмий манбаларда тинч ва нотинч ҳолатларни ифодаловчи сифат тарзида берилади.[2]

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да *сокин* лексемасининг бир қанча маъно хусусиятлари изоҳланади. *Сокин* лексемаси сифат сўз туркуми сифатида берилиб: 1.Сукунтга жўмган жимжитлик; 2.ҳаракатсиз тинч; 3. паст ва босиқ маънолари берилган. Шунингдек, *сокин* лексемасининг равиш сўз туркуми сифатида берилиб; 1.Аста-секин, бир маромда; 2.хотиржам, осойишта маънолари изоҳланган.[3] Демак, юқорида айтилганидек, *сокин* лексемасининг қандай гап бўлаги вазифасида ва қандай вазиятда келиши *сокин* лексемасини қуршаб турган ва ўзаро муносабатда бўлган лексемалар орқали семантик-синтактик хусусиятлари намоён бўлади.

Тун бироз салқин. Об-ҳавонинг салқин келиши деҳқонлар бирмунча қийинчилик туғдирди. Аъзамжон терлаб, юзларини артиб, ўзини салқин дарахтлар соясига урди (Р.Мухторов). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу лексеманинг маъно хусусиятларига аллоҳида тўхталинган. 1.Орамбахш ҳаво ҳарорати; 2. ҳаво ҳарорати пасаймоқда; 3.сердарахт, серсоя, қуёш нури тушмайдиган, теварак-атрофга нисбатан совуқ[4] маънолари изоҳланади.

Салқин лексемасининг ўзи билан ўзаро муносабатда бўлган сўзлар қуршовида турли гап бўлаклари вазиятида келиши ҳам сифат ва равиш лексемаларининг ўзаро синкретик табиатига хос эканлигини кўрсатади. Яъни, биринчи жумлада *салқин* лексемаси сифат билдирган маънони билдириб, кесим/предикат/-от кесим/предикат/ вазиятида келмоқда. Иккинчи жумлада *салқин* лексемаси /феъл/келиши лексемасига боғланиб ҳолат маъносини англатиб, ҳол вазиятида келмоқда. Учинчи жумлада от, яъни ўрин-жой маъносига нисбатан қўлланилиб аниқловчи вазифасини бажармоқда. Салқин лексемаси ҳам предметнинг ҳарорат белгисини ифодаловчи сифат тарзида ифодаланади.[5]

Кўчада машиналар оқими кўп. Кўп ишлар қолиб кетди. Бажариладиган ишлар кўп бўлганидан ҳеч бирига улгуролмади. Биринчи жумлада *кўп* лексемаси кесим вазиятида, иккинчи жумлада аниқловчи ва учинчи жумлада ҳолат маъносини билдириб ҳол вазиятида келмоқда.

Миқдор билдирувчи сифат ва равиш лексемалари айрим жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди. Сифат сўз туркумига кирувчи лексемалар ҳам кўплик ва озлик кўрсата олади. Миқдорий ноаниқликни ифодалайди. Бироқ сифат ва равиш сўз туркумларига кирувчи миқдор белгисини ифодаловчи лексемалар орасида фарқ мавжуд. Яъни, равишда миқдорий белги гарчи ноаниқ бўлса-да, очиқ /кўп,оз/ифодаланади. Сифат сўз туркумига кирувчи миқдорни кўрсатувчи лексемаларда яширин ҳолатда бўлади. Бу миқдор билдирувчи лексик-семантик хусусияти билан боғлиқ.[6]

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, равиш/сифат сўз туркумининг мустақил сўз туркумлари сифатидаги тарихий ва ҳозирги тараққиёти бу сўз туркумларининг гибрид, яъни

[1] Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 537.

[2] Кўрсатилган манба. 303-бет.

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 545.

[4] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 433.

[5] Ўзбек тили грамматикаси. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 303.

[6] Тожиев О.М.Ўзбек тилида от предикатли гапларнинг мазмуний ва синтактик тузилиши. Филол.фан.ном.диссертатцияси.Тошкент.1995.124-бет.

синкретик табиати билан боғлиқдир. Чунки бу сўз туркумларида ўзаро яқинлиги транспозиция, конверция, полифункционаллик, адвербиализация, омонимия ҳодисаларнинг юз бериши билан боғланади. Шунинг учун ҳам туркий тилларнинг барчасида равиш сўз туркумининг мустақиллик даражаси мақоми ҳақида якуний хулоса айтилмай келинмоқда.

Резюме. Ушбу мақолада туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сифат равиш тиидаги лексемаларнинг синкретик табиати ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Равиш сўз туркумининг мустакил сўз туркуми сифатида мунозарали бўлган тадқиқотларга асосланиб мулоҳаза юритилади. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳозирга қадар ҳам мустақил сўз туркуми сифатида ўрганилиши мунозарали эканлиги ёритилади.

Resume. This article is based on research that has been debated in Turkic languages, including Uzbek, as an independent word group. In Turkic languages, including Uzbek, it is still an independent word. The study as a category is controversial.

Резюме. Эта статья основана на исследованиях, которые обсуждались в тюркских языках, включая узбекский, как самостоятельную группу слов. В тюркских языках, включая узбекский, это слово все еще является самостоятельным словом. Изучение серии как серии вызывает споры.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

TIL – HISSIYOTLAR IFODALASH VOSITASI

Umurqulov Zafar Bekpo'latovich,
Termiz davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Moddiy olamning har qanday qismi inson unga qanday munosabatda bo'lishi orqali baholanadi. Shuning uchun olam manzaralari tasviri nafaqat insonning tashqi dunyoni bilishi bilan, bakli u haqda fikrlari, tashqi dunyoga munosabati, olam uzvlari haqidagi his-tuyg'ularini ifodasi asosida ochiqlanib boradi. Aytaylik, inson tabiatda gul mavjudligini biladi. Biroq shu bilgani bilan tabiatni yoki gulni moddiy olamdagi minglab boshqa turdagi narsalar bilan bog'liqlik jihatlarini izohlab bera olmaydi. Ko'rinadiki, dunyoni bilish uchun oddiy sezgi a'zolarining faoliyati yetarli bo'lmaydi. Dunyoni bilishda idrok va boshqa psixik jarayonlar muhim. Dunyoni bilishning tilda aks etishi ana shunday jarayonlarning muhim tomonlaridandir. Tilshunos olim Sh.Safarov Har qanday lisoniy qurilma hosil bo'lishining dastlabki bosqichi idrok etilayotgan voqelikning ongdagi in'ikosi bo'lib, lisoniy voqelanish esa til tizimining xususiyatlari bilan bog'liq turli xil amallardan iborat ekanligini ta'kidlar ekan[1] tilda aks etadigan barcha tushunchalar idrokka bog'liqligiga e'tibor qaratadi. Idrok murakkab psixik jarayon[2] bo'lib, dunyodagi narsalarning bir-biridan ajralmagan holda mavjudligi idrokning muhim belgisidir. Chunki narsalarning bir-biriga bog'liqligi, zamon va makondagi joylashuvi, o'xshash va noo'xshash tomonlari inson sezgilari va idrokida aks etadi. Inson idrokida aks etgan narsalarning ongda zuhur bo'lishi uni ifodalash imkoniyatini vujudga keltiradi. Idrok

[1] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – В.29.

[2] Ivanov P., Zufarov M. Umumiy psixologiya. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2008. – B.96.